

- development of interstate relations and cultural ties, expansion of interpersonal ties at the regional and interregional level;
- development of services;
- development of technology (communication);
- reduction of border barriers, barriers to currency exchange and exit, reduction of paperwork, etc.

In order to provide quality services to tourists, the following problems facing the hotel business must be urgently addressed:

- lack of required facilities at tourist facilities, low capacity to conduct excursion services in the most visited tourist facilities;
- limited sources of funding to finance the process of modernization of the hotel infrastructure and industry;
- low level of training for the hotel business;
- lagging behind in the development of integration and corporate relations, which can provide a combination of efforts to create an investment and organizational-economic basis for the rapid development of the hotel business, etc.

### References:

1. <https://www.unwto.org/taxonomy/term/347>
2. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis. December 29, 2020 / People's Speech. December 30, 2020.
3. Z.I. Timoshenko, G.B. Munin, V.P. Dyshlev Marketing of hotel and restaurant business 2011-2017 tourism-book.com
4. Tuxliyev I.S., Pardayev M.Q. Development of tourism services is a source of employment. - T., 2008. - 23 p.
5. M.T. Alieva. Hotel management. Textbook. - T.: 2007. -335s.
6. S.Safaeva. Establishment of a hotel business. The text of the report. T.: 2012.
7. Kamilova F.Q., Hamidov O.H. Hospitality industry. Study guide. TDIU.2007 pages 106-108
8. <http://www.tourism.uz/> 2019
9. [www.world-tourism.org/](http://www.world-tourism.org/) 2019
10. M.T. Alieva. Hotel management. Textbook. - T.: 2007. -335s.
11. Kholikulov A.N Opportunities to improve the quality and efficiency of service in hotels (On the example of Samarkand hotels) Candidate's dissertation. Samarkand 2010
12. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – tourism associations
13. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – World Tourism Organization
14. [www.world-tourist.org](http://www.world-tourist.org) – World Tourism Organization



## ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a64](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a64)

**Холбаев Шахриёр Абдуллаевич -**  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишинг ресурс салоҳиятини бошқарши тамомиллари ва ресурс салоҳиятининг худудий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси билан ўзаро боғлиқлиги назарий жиҳатлари очиб берилган. Шунингдек, туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар билдирилган.

**Калим сўзлар:** салоҳият, ресурс салоҳияти, туризм салоҳияти, туризмда иқтисодий салоҳият, иқтисодий ўсииш, иқтисодий ривожланиш, стратегия.

## ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА В ОБЛАСТИ ТУРИЗМА

**Холбаев Шахриёр Абдуллаевич -**  
исследователь Самаркандского государственного  
университета имени Шарафа Рашидова

**Аннотация.** В данной статье описаны теоретические аспекты использования экономического потенциала в сфере туризма, принципы управления ресурсным потенциалом и взаимодействие ресурсного потенциала со стратегией регионального социально-экономического развития. Также разработаны предложения по повышению эффективности использования экономического потенциала в сфере туризма.

**Ключевые слова:** потенциал, ресурсный потенциал, туристический потенциал, экономический потенциал в туризме, экономический рост, экономическое развитие, стратегия.

## FEATURES OF THE USE OF ECONOMIC POTENTIAL IN THE FIELD OF TOURISM

**Kholbayev Shakhriyor Abdullaevich -**  
*researcher of the Samarkand State  
 University named after Sharaf Rashidov*

**Annotation.** The article describes the theoretical aspects of the use of economic potential in the field of tourism, the principles of resource potential management and the interaction of resource potential with the strategy of regional socio-economic development. It also develops proposals on improving the efficiency of using the economic potential in the sphere of sector.

**Keywords:** potential, resource potential, tourism potential, economic potential in the field of tourism, economic growth, economic development, strategy.

**Кириш.** Туризм соҳасининг жорий бозор модификациясини шакллантириш фаолияти бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш орқали таъминланади. Сўнгги йилларда дунё, мамлакатимиз ва унинг барча худудларида туристик хизматларнинг жадал шаклланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг объектив йўналишларини акс эттиради. Шунингдек, энг бой ресурс салоҳиятига эга худудларда туризм соҳасини бошқаришни такомиллаштириш вазифаси асосий роль ўйнайди.

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, глобал ҳамжамият ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликка қарши курашаётганилиги сабабли ҳозирги инқизорзининг ҳаддан ташқари ноаниқлигини ҳисобга олган ҳолда, изоҳланиши кераклигини таъкидланади. Шунингдек, бугунги кунда халқаро туризмнинг ишбилиармонлик ҳажмида нефть экспорти, озиқовқат маҳсулотлари ёки автомобиллар ҳам тенг ёки ҳатто устундир. Туризм халқаро тижкоратнинг асосий йўналишларидан бирига айланди ва шу билан бирга, кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда барча мамлакатларда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларининг жадаллашиб боришида туризмнинг жаҳон ва миллий иқтисодиётларга таъсири сезиларли даражада ошди. Туризм соҳасининг фаолияти ва шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари унинг ресурс салоҳиятининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан сезиларли даражада тавсифланади. Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарави фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда”[15].

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида туризм соҳасида

мавжуд салоҳиятдан самарави фойдаланиш ҳисобига мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” устувор йўналишида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буорадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш” 35-мақсади белгиланди [1].

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб, ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарави фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқарувни тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сонли фармони [2], 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сонли “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори [3], 2022 йил 15 январдаги “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-52-сонли фармони [4] қабул қилиниб, унинг ижроси худудларда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсишнинг омили сифатида намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугунги туризм соҳасида барқарор иқтисодий ўсишнинг омилиаридан бири – туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланнишнинг назарий-илмий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Туризм соҳаси ресурс салоҳияти ушбу соҳани ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Шунга қараганда, бизнинг нуқтаи назаримиздан туризм соҳаси ресурс салоҳиятининг моҳияти ва унинг ривожланишидаги ролини аниқлашнинг асосий назарий ёндашувларини кўриб чиқиш тавсия этилади. Илмий ва амалий адабиётларда унинг турлича талқинлари мавжуд.

Кўпчилик иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, ресурс нуқтаи назардан иқтисодий салоҳият иқтисодий тизим учун мавжуд бўлган ресурсларнинг миқдори ва сифатининг йиғиндинсиdir. Иқтисодий салоҳият таркиби сифатида моддий, номоддий, меҳнат ва ахборот ресурслари сифатида таснифланади.

А.Абдувоҳидовнинг фикрига кўра, мамлакатимизда туризм салоҳиятини дунёга намоён қилишда, халқаро туристик оқимларни барқарорлаштириш, уни мавсумийлик хусусиятларидан холи қилиш мақсадида интернет тармоғи орқали туристик салоҳиятимизни кўрсатиб берувчи веб-саҳифаларни халқаро тажрибалар асосида ўзгартириб бориш лозим [5].

“Салоҳият” тушунчасини очиб бериш учун ушбу таърифнинг этимологиясини ўрганиш зарур шартдир. Салоҳиятнинг моҳияти турли муаллифлар томонидан турлича очиб берилади.

К.М.Миско фикрича, “Салоҳият ўрганилаётган обьектдан самарали фойдаланишининг ички, яширин имкониятлари ҳақидаги инсон позицияларининг чегараси бўлиб, уларни миқдорий аниқлаш ва охир-оқибат амалий фаолиятнинг идеал шароитида амалга ошириш мумкин” [6].

Т.Г.Храмцова фикрича, “Салоҳият нафақат ресурслар миқдори, балки улардаги маълум бир йўналишда тизимни ривожлантириш имконияти ҳамдир. Имкониятлар амалга оширилиши керак. Механикада ҳам потенциал энергия кинетик энергияга айланади, иқтисодиётда ҳам салоҳиятни амалга ошириш фаолият натижаларида мужассамланади” [7].

С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовалар фикрича, “Салоҳият – маълум жиҳатдан кучнинг даражаси, баъзи воситалар, имкониятларнинг умумийлиги” [8].

Т.Ф. Ефремов фикрича, “Салоҳият – маълум жиҳатдан кучнинг даражаси, баъзи воситалар, имкониятлар умумийлиги” [9].

Т.Г.Винокурова фикрича, туристик салоҳият “минтақада туризмни ривожлантириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча воситалар, манбаларнинг йиғиндинси, туристик ресурслар эса туристик маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган минтақанинг иқлимиy, ижтимоий-маданий ва инфратузилма омилларининг бирлашмасидир” [10].

М.Н.Забаева фикрича, туристик салоҳият “мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда ташкилий-иқтисодий муносабатлар жараёнида сайёҳларнинг эҳтиёжларини шакллантириш ва қондириш учун минтақанинг имкониятларидир” [11].

Л.И.Абалкин таърифига кўра, иқтисодий салоҳият “жой ва вақтга боғланган ресурсларнинг умумий, жамоавий характеристикасидир” [12]. Яна бир таниқли олим И.И.Лукинов ушбу тоифани “муайян иқтисодий тизим тасарруф этадиган ресурсларнинг миқдори ва сифати” деб тушунади [13].

А.С.Федонин, И.М.Репина, А.И.Олексик ушбу турқумга оид замонавий ғоялар уч йўналишларини ажратади, яъни: тизимнинг ишлаши ёки ривожланиши учун зарур бўлган турли хил ресурслар тўплами сифатида салоҳият; ишлаб чиқариш мақсадларига эришишни таъминлайдиган моддий ва меҳнат омиллари тизими сифатида салоҳият; иқтисодий тизим ресурслари мажмуасининг ўзига юкланган вазифаларни бажариш қобилияти сифатида салоҳият [14].

“Иқтисодий салоҳият” тоифасига ресурс ёндашуви тадқиқотчилар орасида жуда кенг тарқалган. Унинг моҳияти салоҳиятни корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятини таъминлайдиган ресурслар ва уларнинг манбалари мажмуи сифатида таъкидлашдан иборат. “Ресурс” ёндашувларини ўрганиш учун иккита асосий позицияни янада аниқроқ ажратиш мумкин. Биринчи ўринда иқтисодий салоҳиятни ресурсларнинг оддий мажмуи сифатида, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини ҳисобга олмаган ҳолда тақдим этади.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, хорижий туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятга доир маълумотлар асосида уларнинг таҳлиллари амалга оширилиб, илмий хуласалар берилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий адабиётларда “салоҳият” тушунчаси кўпинча “ресурс” тушунчаси билан аниқланади, бу “ресурс салоҳияти” атамасидан тўғри фойдаланишни истисно қиласиди. Бизнинг фикримизча, “салоҳият” ва “ресурслар” нисбатан мустақил тушунчалар сифатида қаралиши керак.

1-жадвалда ушбу икки атама ўртасидаги тавсифланган фарқларга асосланиб, муаллифнинг фикрига кўра, “ресурс” ва “потенциал” тушунчалари ўртасидаги туб фарқ шундаки:

1) ресурслар иқтисодий фаолият субъектларидан мустақил равишда мавжуд бўлиб, минтақанинг салоҳияти умуман фаолият субъектларидан ажралмасдир;

2) "салоҳият" тушунчаси табиат, жамият, корхонада мавжуд бўлган ҳар қандай ресурсларнинг бутун захирасини эмас, балки уларнинг эришилган ривожланиш даражаси ва маълум бир фаолият турига жалб қилишининг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда олиниши мумкин бўлган қисмини қамраб олади.

"Салоҳият" тушунчасининг юқоридаги талқинларини таҳлил қилиш икки асосий жиҳатни кўрсатади:

1) салоҳият мавжуд ва мумкин бўлган во-ситалар тўплами сифатида талқин этилади;

2) салоҳият ундан фойдаланиш (амалга ошириш) имконияти сифатида талқин этилади.

Туризм соҳасида ресурс салоҳиятидан маълум даражада ижтимоий, иқтисодий, техник, экологик табиатнинг муайян шароитлари мавжуд бўлганда фойдаланиш мумкин. Туризм соҳасини мустақил бошқарув объекти сифатида ажратилган ресурс салоҳиятини самарали бошқариш шароитида ривожлантириш мумкин.

## 1-жадвал


### "Салоҳият" ва "ресурс" категориялари ўртасидаги фарқ [15]

"Салоҳият" категорияси	"Ресурс" категорияси
У якка шаклда ишлатилади, лекин ҳар доим хусусиятлар, объектлар, ҳодисалар тўпламини назарда тутади.	Бу, умуман, салоҳиятнинг бир қисмидир ва маълум бир аҳоли пунктини ташкил қиласди.
Бу аниқ бир вазифа билан аниқ боғлиқ бўлиб, уни ҳал қилиш учун аниқланади. Масалан, ҳудуднинг ўрмон ресурсларидан сайёҳлар ҳам, саноат ҳам фойдаланишлари мумкин. Масалан, ҳудуднинг туристик ва рекреацион салоҳияти ҳақида фикр юритганда ва унинг ўрмон таркибий қисмини баҳолашда дарҳол уларнинг туристик фойдаланиши учун зарур бўлган хусусиятларни назарда тутади.	Бу унинг мақсади нуқтаи назаридан кўриб чиқлади, аммо унинг маълум бир фойдаланувчи билан алоқаси унчалик аниқланмаган.
Объект салоҳиятини тавсифлашда, қоида тариқасида, ушбу салоҳиятни бошқа объект потенциали билан таққослаш орқали баҳолаш ҳам назарда тутидади.	Ресурсларни баҳолаш деганда, уларнинг давлат ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнидаги қийматини аниқлаш тушунилади.

**Манба:** Муаллиф ишланмалари.

Туризм соҳасининг ресурс салоҳиятини бошқариш ўзига хос хусусиятларидан келиб

чиқкан ҳолда, 1-расмда келтирилган куйидаги тамойилларга асосланади.



1-расм. Туризм соҳасида ресурс салоҳиятини бошқариш тамойиллари [15]

Ушбу тамойиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни муваффақиятли амалга ошириш белгиланган ҳудудий субъектда узоқ муддатли шаклланиш стратегиясини аниқлашни ва унинг асосида белгиланган мақсадларга эришиш учун ресурсларни тақсимлашни янада бўйсундириш билан минтақавий ривожланишнинг умумий мақсадларини назарда тутадиган дастурга йў-

налтирилган ёндашув асосида амалга оширилади. Маълум бир ҳудудларнинг туризм соҳасида ресурс салоҳиятидан фойдаланишни стратегик режалаштириш жараёни туристик ресурслар жозибадорлигининг энг муҳим омилларидан фойдаланишни таъминлаш учун рақобатбардош туристик таклифларни яратишга имкон беради.

Туризм ҳудуди ресурс салоҳиятининг ҳудудни стратегик ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлари билан ўзаро боғлиқлиги схемаси 2-расмда кўрсатилган.

Мамлакатимиз ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли

учун муносиб турмуш даражасини сақлаш ва тўлов балансини яхшилаш учун шароит яратишга имкон берадиган туризм соҳасидаги фоалиятни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.



**2-расм. Туризм соҳасида ресурс салоҳиятининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси билан ўзаро боғлиқлиги [15]**

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасининг ривожланган соҳаси алоҳида хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, бу соҳада имкониятлар ва янги ахборот воситаларини жорий этишга катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, ҳудудларда иқтисодиётни барқарор ривожланишига ўзининг самарали таъсирини кўрсатади.

Туризм таъсири остида биз ҳудудий ҳоқимликларнинг имкониятлари ва атроф-муҳит, уй хўжаликлари, маданий ва тарихий мерос, табиий ёдгорликларни сақлаш ва яхшилаш билан шуғулланадиган корхоналарнинг шахсий баҳоларини тушунамиз. Яъ/ни туризм соҳасида туризм объектларининг ҳам замонавий, ҳам тарихий жиҳатларини ўзида мужассам этиш орқали иқтисодий салоҳият самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар асосида республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қуидаги тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

– ҳудудларда туризм объектларига қўйилган гигиена талаблари, атроф-муҳити, тиббий профилактикаси, маданий ҳордиқ чиқариш каби

туризм сифат ва стандартларини такомиллаштириш;

– ҳудудлараро туризм бозорини ўрганишнинг методологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

– туризм соҳасини ривожлантиришнинг давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларини кенгайтириш, шунингдек, вилоятлараро транформация қилиш платформаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– туризм соҳасида туристларга ва туризм билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига маслаҳатлар, методологик кўмак ва амалий тавсияларни бериб борадиган маҳсус платформа ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;

– туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятни белгилашда туристик хизматлар бозорининг чегаралари ва субъектларини аниқ белгилаш;

– туризм соҳасида инсон ресурсларининг шахсий ва касбий қўніқмаларини ривожлантириш тизимини йўлга қўйиш;

– миллий қонунчилигимизда туристик фаолият ва бошқарувини илмий асосда йўлга қўйилиши билан боғлиқ “Туристик фаолиятнинг илмий асослари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ [12].

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6199-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида"ги ПҚ-5054-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сонли "Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун кўшимча шароитлар яратиш тўғрисида"ги фармони.
5. Абдувоҳидов А.А. Ўзбекистон туризм индустриясини ривожлантиришида компьютер тизимларини тақомиллаштириш истиқболлари. "Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришида хорижий тажсрибани кўллаш" республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами, 2014, 392-393-б.
6. Миско К.М. Ресурсный потенциал региона: теоретические и методические аспекты исследования. – М.: Наука, 1991. С. 5.
7. Храмцова Т.Г. Методология исследования социально-экономического учебник потенциала потребительской новой кооперации. – Новосибирск, 2002. – 23 с.
8. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: Азъ, 1992. – 944 с.
9. Ефремов Т.Ф. Новый словарь русского первью языка: толково-слово образовательный. – 1209 с.
10. Винокурова Т.Г. Ресурсный потенциал развития туризма северных территорий. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Иркутск, 2010. – 23 с.
11. Забаева М.Н. Эффективное использование регионального туристского потенциала: риской теория, методология и практика. Автореф. дис. ... экон. наук. – Н. Новгород, 2011. – 23 с.
12. Абалкин Л.И. Диалектика социалистической экономики. / Л.И.Абалкин. – М.: Наука, 1981. – 352 с.
13. Лукинов И.И. Эволюция экономических систем. Монография. – М.: Экономика, 2002. – 567 с.
14. Федонин А.С. Потенциал предприятия: формирование и оценка. / А.С.Федонин, И.М.Репина, А.И. Олексик. – К.: КНЕУ, 2003. – 198 с.
15. <https://sputniknews-uz.com/20171004/6451356.html>